

**2026 йил 1-чорак учун коррупцияга қарши курашиш
тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ ***

И. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот¹

Жорий йилнинг 30 январь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонуни ижроси тўғрисида;

2.27 февраль эса Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сон «Давлат фуқаролиги хизмати тўғрисидаги»ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонуни тўғрисида;

3.30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қарори мазмун моҳияти қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳиятини юзасидан ўқув семинарлари ташкил этилиб расмий веб-сайтга жойлаштирилди:

1. <https://www.toshstat.uz/uz/matbuot-markazi/news/12359-korrupsiyaga-qarshi-kurashish>
2. <https://www.toshstat.uz/uz/matbuot-markazi/news/12360-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-mavzusida-seminar>
3. <https://www.toshstat.uz/uz/matbuot-markazi/news/12361-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-to-g-risida>

Бундан ташқари коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, коррупцияни олдини олишда омма эътиборига етказиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда расмий веб-сайтга жойлаштириб борилмоқда.

Ходимларнинг ишга қабул қилиш жароёнини шаффофлик асосида амалга ошириш мақсадида вакант лавозимлар учун ягона очик портал <https://vacancy.argos.uz/> киритилган.

ИИ. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тизимида 2025- йил 30 мартда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва режа асосида ишлар амалга оширилмоқда, Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид тарғибот ишлари ўтказилиб келинмоқда ва ходимларни огоҳлантириб келинмоқда,

¹Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, кониқарли натижаларга эришганлик\эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

Барча ходимлар томонидан статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида ҳисобот тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектларни оворо қилиш, уларни асоссиз Давлат статистика идораларига таклиф қилиш, асоссиз тўловлар ундириш, ўзаро муносабатларда сансалорлик, таъмагирлик, порахўрлик ва бошқа кўринишдаги коррупция ҳолатларга қатъий чек қўйиш борасида доимий равишда ушунтириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

ИИИ. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш режалаштирилган бўлиб жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади;

Тизимда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича мунтазам равишда тарғибот ишлари ўтказилиб келинганлиги сабабли коррупциявий ҳолатлар аниқланмаган. Коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича бугунги кунга қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ёки келгусида амалда татбиқ этилиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, коррупциявий омиллар аниқланган ҳужжатлардан воз кечиш, бир-бирини такрорловчи ҳужжатларни бирлаштириш, бюрократик функцияларни умуман йўқ қилиш, мамлакатда барча ҳужжатлар айланмаси тизимини қоғозбозликдан воз кечиш, тўлақонли электрон тартибга ўтиш.

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиклик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш.

Тизимда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича мунтазам равишда тарғибот ишлари ўтказилиб келинганлиги сабабли коррупция ҳолати аниқланмаган.;

ИВ. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Тизимда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд эмас ;

Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация мавжуд эмас;

Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан текширувлар ўтказилмаган;

Ҳисобот даврида контрагентлар текширувлари ўтказилмаган;

Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар тизим ходимларидан ташқари ҳисобот топшириувчи субъектлар ўртасида ҳам коррупциянинг олдини олиш ва чек қўйишга қаратилган тадбирларни амалга оширилган.

В. Таълим ва коммуникация

² Бўлим фақат ҳар йиллик ҳисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Ташкилот тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

Бошқарма ва туман статистика бўлимлари томонидан Коррупцияга қарши кураш юзасидан ўқув-семинар йиғилишлари ўтказилиб келинмоқда.;

Тизимда яқинда ишга олинган ходимлар учун мунтазам равишда коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ҳамда коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда;

Тизим ходимларига мунтазам равишда коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ҳамда коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда;

Бошқарма томонидан Коррупцияга қарши кураш юзасидан мавзусида ахборот-тарқатма материаллари буклет тайёрланган бўлиб хўжалик юритувчи субекларга тарқатилиб борилмоқда

Бошқармада ва туан статистика бўлимларида ахборот плакатлари ва бошқа материаллар мавжуд ҳамда ходимларнинг одоб-ахлоқ маданияти коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ҳақида хабардор қилинган ва буклетлар тарқатилган;

Шунингдек жорий йилнинг 30 январ, 27 февраль, 30 март саналарида семинарлар ташкил этилди.

ВИ. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, потенциал хатти-ҳаракатлар учун алоқа каналларига ҳеч қандай маълумот ёки шикоятлар келиб тушмаган.

ВИИ. Мониторинг ва назорат³

Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилмаган;

Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланмаган ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари кўрилмаган.

ВИИИ. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Хизмат текширувлари ўтказилмаган ҳамда коррупцияга қарши қонунбузилиш ҳолати аниқланмаган;

Тизим ходимлари томонидан коррупция ҳолатлари содир қилинган тақдирда улар билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликга мувофиқ бекор қилиниши ва жавобгарликка тортилиши тўғрисида ҳақида огоҳлантирилган.

ИХ. Хулосалар

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан тармоқ ва туман статистика бўлимларига коррупцияга қарши курашиш ва коррупцияни олдини олиш мақсадида семинарлар ўтказилди ва келгусида ҳам ўтказилади.

Х. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан тармоқ ва туман статистика бўлимларига коррупцияга қарши курашиш ва коррупцияни олдини

³ Ташкилотда ҳисобот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйича умумий тахлилий ахборот акс эттирилади.

олиш мақсадида хоналарга видеокузатув ускуналари ўрнатилган бўлиб, камера назорати белгилари хоналарга осилган .

* Ҳисобот ички назорат тузилмаси раҳбари томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

**Коррупцияга қарши
ички назорат тузилмаси котиби**


A handwritten signature in blue ink, appearing to be 'Mamatov A.', written in a cursive style.

Маматов А.

**Коррупцияга қарши давлат дастурида назарда тутилган
чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида
ҲИСОБОТ**

Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонуни ижроси тўғрисида.	30 январь	Семинар ташкил этилган
Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сон «Давлат фуқаролиги хизмати тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонуни тўғрисида.	27 февраль	Семинар ташкил этилган
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қарори мазмун моҳияти қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонуни	30 мартъ	Семинар ташкил этилган

**Коррупцияга қарши
ички назорат тузилмаси котиби**



Маматов А.

* Ҳисобот ички назорат тузилмаси раҳбари томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.